

4.000.000

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРАЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чiqилиши
№ 262 (13.524).
16 НОЯБРЬ
1966 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 3 тийин.

УЛЖАН ХИРМОН

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 4.000.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

Совет Ўзбекистонининг қолхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, партия, совет, касабасоюз ва комсомол ходимлари, барча меҳнатқашлари Ватанга берган ваъдаларининг устидан чиқдилар.

Қолхоз ва совхозлар мисли кўрилмаган қисқа муддатларда давлатга тўрт миллион тоннадан ортиқ пахта сотдилар.

Республика пахтачилигининг бутун тарихи мобайнида биринчи марта ана шундай кўп миқдорда «оқ олтин» йиғиштириб олди. Давлатга план-ваказла кўзда тутилганидан 300 минг тонна кўп ва 1965 йилнинг шу кунигача бўлганидан 200 минг тонна кўп пахта сотилди.

Республиканинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССР плани муддатдан олдин бажарилди ва тўрт миллион тонна пахта етиштириш ва тошириш учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўйдилар.

Андижон области давлатга 816 минг тонна, шундан 36 минг тоннасини пландан ташқари, Фарғона области 504 минг тонна, шундан 27 минг тоннасини пландан ташқари, Сирдарё области 453 минг тоннадан ортиқ, шундан 5 минг тоннасини пландан ташқари, Самарқанд области 404 минг тонна, шундан 55 минг тоннасини пландан ташқари, Тошкент области 347 минг тонна, шундан 30 минг тоннасини пландан ташқари, Хоразм области 338 минг тонна, шундан 42 минг тоннасини пландан ташқари, Бухоро области 338 минг тонна, шундан 23 минг тоннасини пландан ташқари, Сурхондарё области 309 минг тонна, шундан 19 минг тоннасини пландан ташқари, Қорақалпоғистон АССР 276 минг тонна, шундан 47 минг тоннасини пландан ташқари, Қашқадарё области 216 минг тонна, шундан 18 минг тоннасини пландан ташқари сотди.

84 пахтакор райондан 79 район давлатга пахта сотиш планини тўла ва ошириб бажарди.

Республика меҳнатқашлари ўз қувончларини маълум қилар эканлар, социалистик қишлоқ хўжалигини муттақил юксалтириш тўғрисида тинчликсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чин қўнғидан миннатдорчилик билдирадилар.

Пахтакорларнинг юксак уюшқоқлиги ва меҳнатдаги мислиёз ғайрат-шижоати, уларнинг Ватан олдидаги ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажариш иштиёқи, табиат инжиқликларидан қучли бўлиб чиқди.

Деҳқончилик маданияти оширилганлиги, фан ва илгор тажриба ютуқлари жорий этилганлиги туфайли бу йил 1 миллион 606 минг гектар ерининг ҳар гектаридан ҳозиргача 25,0 центнердан пахта териб олинди. Республикада бундай ҳосилдорликка биринчи марта эришилди.

Хоразмлик мўл ҳосил усталари биринчилиги ўз қўлларини маҳкам сақлаб келимқадар ва ҳозиргача гектар бошига 33,9 центнердан пахта териб олдилар. Андижон областининг дондор пахтакорлари салкам 300 минг гектар майдондан ўрта ҳисобда 27,6 центнердан ҳосил олдилар. Сурхондарё областининг деҳқонлари ҳам пахта ҳосилдорлиги жаҳатидан ана шундай юксак натижага эришиб олдилар.

Бу йил Янгиқир, Денов, Шовот, Сарниёв, Урганч, Юқори Чирчиқ, Шаҳрисабз, Тўртқўл, Жиззах, Избоскан, Ленин, Ленинград, Поп ва Нарпай районлари энг мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўдилар. Юқори Чирчиқ районидида «Правда», Янгиқўл районидида Хамроқул Турсунқулов номи, Жиззах районидида «Москва», Поп районидида Ленин номи, Кува районидида Ангелс номи, Ленин районидида «Правда Востока», Хўжабод районидида «Ленинград», Избоскан районидида «Гулiston», Каттақўрғон районидида «Чимбойобод», Нарпай районидида Карл Маркс номи, Бухоро районидида Охунбобоев номи, Ғиздувон районидида «Гулiston», Чирчиқ районидида «Коммуна», Шаҳрисабз районидида Ленин номи, Денов районидида «8 Март», Жарқўрғон районидида «Москва», Ҳазорасп районидида Наринов номи, Янгиқир районидида Охунбобоев номи, Тўртқўл районидида Максим Горький номи ва Димитров номи қолхозлар ва бошқа бир қанча қолхозлар эса, гектар бошига 35-40 центнердан пахта етиштирдилар ва териб олдилар. «Ҳазорбоб», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Сурхон», «ВЛКСМ XXX йиллиги», «Савий», «Пахтаорол», «3-Пайриқ», «Нарпай», «Гулбоғ» ва бошқа совхозлар пахтадан мўл ҳосил олишда ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Уч юзга яқин қолхоз ва совхоз, яъни республикадаги ҳамма пахтакор хўжаликларнинг деярли учдан бир қисми ҳозиргача гектар бошига 30 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил териб олдилар.

Пахтачилиқни комплекс механизациялаш, айниқса пахта-тани машинада териш мислиёз кенг қўл очди. Машиналарда 1 миллион 315 минг тонна ёки бутун ҳосилнинг учдан бир қисми териб олинди. Бу эса, ўтган йилда машинада терилганидан бир ярим баравар ортиқдир. Терининг долзарб пайтларида Ўзбекистоннинг пахта далаларида 24 мингдан ортиқ «зангори кема» ишлаб турди.

Бу йил айрим бригадалар ва хўжалиқлар эмас, балки бутун-бутун областлар ва районлар пахта ҳосилининг 50-70 процентини машинада териб олдилар. Кўпгина қолхоз ва совхозлар машинада ҳосилнинг 80-90 процентини тердилар.

Сирдарё областининг механизаторлари машинада 255 минг тоннадан ортиқ ёки тайёрланган пахтанинг 60 процентга яқинини, Тошкент области механизаторлари 180 минг тонна, ёки тайёрланган пахтанинг 53 процентини машинада териб олдилар. Пахтаорол району хўжалиқларида пахтанинг 78 проценти, Оққўрғон, Бойвот ва Киров (Сирдарё области) районларида 72-73 проценти машинада терилди.

Ҳар бир шийделли пахта териш машинасининг ўртача масвум нормаси анча оширилиб, 52,2 тоннага етказилди.

Энг яхши меҳаник-ҳайдовчилар бу кўрсаткичдан 2-3 баравар ва ундан ҳам кўпроқ ўзиб кетдилар. Меҳаник-ҳайдовчилардан А. Уринов, Х. Алиев, Я. Каримов, Н. Хаев, Р. Эргашев, В. Жуманиёзов, М. Эшқулатов, З. Раматов, Я. Давронов, Ч. Собирова ва бошқа кўпгина азаматлар икки қаторда пахта териш машинасида 150-200 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб бердилар. Меҳаник-ҳайдовчи М. Жалолов тўрт қаторда «Ўзбекистон» пахта териш машинасида 320 тонна, Х. Нотиров 411 тонна, С. Толясов 300 тонна, М. Дадажонов 417 тонна пахта терди.

Республика олимлари, конструкторлари, машинасозлик заводларининг инженерлари, техниклари ва ишчилари пахтакорлар билан ҳамкорликда «ХТ-1,2», «17-ХВ-1,8» маркали ажойиб пахта териш машиналарини, кўрак териш, кўрак чувиш, тўкилган пахта териш машиналарини ва пахтачилик учун керакли кўпгина бошқа машина-механизмларни яратдилар, уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар ва қишлоқ хўжалигига жорий этдилар. Серурум «Ўзбекистон» пахта териш машинаси айниқса манзур бўлди. Қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва ўзлаштиришга ишчилар синфи, деҳқонлар ва интеллигенциянинг муносиб намоёндалари П. Ф. Глазатов, А. Н. Приходько, В. Д. Тютюков, Г. В. Горобец, М. Н. Марков, Г. Ахмедов, В. А. Коваленко, А. К. Шорохов, В. А. Тюмно, Ж. Кўчиев, М. Жалолов, М. Дадажонов, Т. Охунова катта меҳнат сарфладилар.

«Ташсельмаш», «Ўзбесельмаш», «Ташавтомаш», «Чирчиқсельмаш», трактор йиғиш заводлари ва республикадаги бошқа машинасозлик корхоналари коллективларининг хизмати катта. Улар энгизла сабабни рўй берган жуда катта қийинчиликларга қарамай, топширишни муваффақиятли удаладилар ва пахтачилик учун керакли энг янги техникани ўз вақтида етказиб бердилар. Республика хитмиклари дала ҳосилдорлигини ошириш учун кўп иш қилдилар.

Барча қардош республикаларнинг меҳнатқашлари Ўзбекистон пахтакорларига катта ёрдам кўрсатдилар.

Пахта учун кураш чинанам умумхаёқ иш бўлиб қолди. Ҳосил йиғини-теримнида шаҳарликлар, студентлар ва қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчилари қолхозчилар ва совхоз ишчилари билан бирга актив қатнашдилар.

Пахта тайёрлаш давом этмоқда. Беш йилликнинг биринчи йилида пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам муваффақиятларга эришилди.

Республика қолхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, партия, совет, касабасоюз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органлари уларнинг бутун куч-ғайратларини эриштирган муваффақиятларини мустақамлашга, пахта етиштириш янада кўпайтиришга қаратмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1966 йилги май Пленуми қарорларига мувофиқ, ирригация ва мелiorацияни ривожлантириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда.

Эришилган муваффақиятлардан руҳланиб Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш учун курашиб, келгуси йилнинг мўл ҳосилига замин ҳозирлаш ишларини кенг кўламли аъш олдириб юбордилар. Ҳамма жойда ерлар шуктор қилинмоқда ва бошқа кўзга-қичқи-атроқчиёва ва мелiorация тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу эса, республика меҳнатчиларининг коммунизм-қуриш ишита кўшган ажойиб ҳиссаси бўлади.



ПАХЛАВОН

Балад тоғлар атрофида ўтирибди кўр тўниб,
Пастда водий, тенг неломас унга минг боғи эрам...
Улоқча тушиб қолган қилчиқдек ялтйрайди
Сойлари, дарёлари юғурди бедром.
Бунда ишлар ўзбек павлон, тангнган пешонасини,
Қинигига уриган бар, ятанда кунис анор.
Жиққа хўл ички кифти — бу ғайрат нишонаси.
Ағдарма этингда мез пойнали тиги бор.
Пахлавоннинг номи Сайхун, Ўзбенов деса булар —
Сули бузуқ, иррамағиз, чанмоқ мўйлаб ярашди.
Жўри десаи, намстилар, ўлғудай сода — оқ дил,
Тўғри сўз, тантиникик ула-ўлғунча ошини.
Берилс жуда қаттиқ берилмончи олати,
Емон нўрса ҳеч наҳон яхши нўрсатиб бўлмас.
Шундай қилиб тумандир илминитабнати,
Еридан ўзиб бўлмас, бошқа жойда кўнармас.
Ишлайсан, ички кифтинг жиққа хўл, лаб ёрилган.
Пайларинг тула нуваат, ўтвир кўзларингда нур.
Берасан юшмоқ пахта, меҳнати анча қаттиқ —
Пахтакорлик — ота насаб, пахта у миллий гурур.
Сен ишлайсан, пахлавон, қолқора терга ботиқ,
Майда-чунда ва нолон гаплардан анча узоқ...
Семдан аниб туради нон ҳиди. Ҳалоллик деб

Ишлайбер пахлавоним, умринг сенинг умрзоқ!
Ленин сенга қаҳр ила хужум қилди ёвуз сел.
Андарден қолиб мелиди тоғларнинг орасидан,
Уйларни қулатди у, бошланасиз қолди эл.
Бешиқларни оқизди ажраб — кўз нўрсидан...
Дўл мелиди тақирлатиб, инқолловни қулатиб,
Қайноқ танинга теккан у баҳарли тош эди.
Музлатаан танини, ишолмай қолсин ётиб,
Деми, аимо енгилди... талай ҳосилин еди.
Чанг билан мелиди Бўрон нўтариб тўстўполон,
Томлар бўлди пирпиран, меза тутолмай қимат
Ичкилди, офатларга мўл ҳосил бўлди талон.
Бу ҳам ўтди полвоним, ўзинг қолдинг саломат.
Энгилди — ёвуз офат қатлам аро бўйирди.
Шаҳримиз таҳинида: ёрилди, нуваш ва дарз...
Саниқиз юз бор, саниқиди, ер остидан ўкирди.
Олтининг наҳрамонини қилмай шикояту арз...
Барини енгиб ўтдинг, бари қолди хору хас.
Сир жаҳонга етувлик оқ олтининг ундирдинг.
Садокату ишончинг, зафарга асос, бу рости!
Пахлавоним ўзбеки, тўрт миллионинг дундирдинг.
Балад тоғлар атрофида ўтирибди кўр тўниб,
Бир пахлавон меҳнат қилар; номидир Ўзбекистон...

ДАЛАЛАРИМИЗ ГВАРДИЯЧИЛАРИ



СУРАТЛАРДА: (чапдан) Янгиқўл районидида Киров номи қолхоз ички бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин ТЮПКО, Сирдарё плени механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон ЖАЛЛОЛОВ, Ғиздувон плени совхозини комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуно ОХУНОВА, Урта Осеи машинасинаш станциясини комплекс механизациялашган бригадасини бошлиғи Жаовод КЎЧИЕВ, Сирдарё областидида «Алдижон» совхозини комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамаюн ДАДАЖОНОВ, Андижон области «Партия XX съезди» қолхозини комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон ЖАЛЛОЛОВ, Ғиздувон плени совхозини комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Курбон ИЕННАЕВ ўртоқлар.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ
ҒАЛАБА МУБОРАК
Биз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қолхозчилари ва совхоз ишчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнатқашларини мисли кўрилмаган катта меҳнат ғалабаси — социалистик мажбурийнинг бажарилиши билан қизинг табриклаймиз. Ўзбек пахтакорларининг 4 миллион тонна «оқ олтин» умумийтўғоқ фондига қўшилган жуда катта ҳиссасиди. Сизларнинг ажойиб ғалабанигиз сизлар билан дўст ва оғанин бўлган, пахта етиштиришни кўпайтириш учун умумий курашимиз жараёнида, традицион социалистик мусобақа алоқалари билан боғланган Тожикистон пахтакорларига жуда ҳам қимматлидир. Тожикистон меҳнатқашлари Ўзбекистон пахтакорларининг КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширишда кўрсатётган юксак маҳорати, меҳнатсеварлигига қойил қолмоқдалар. Республика меҳнатқашларига пахтачиликни ривожлантириш билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳамда саноатини юксак суръатлар билан тарақий эттиришда, маданиятни, қўлаб яшлатишда ва моддий фаровонлигини оширишда янада катта ютуқлар қилаймиз.
Тожикистон Компартияси, Марказий Комитети Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми Тожикистон ССР Министралар Совети.

